ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 20 май, пайшанба • № 59 (24.454).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ватанни севмак иймондандур!

Оқсарой қароргоҳида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 май куни Оқсарой қароргоҳида Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги борди-келдилар узоқ тарихга бориб тақалади, — деди Ислом Каримов ўзаро мулоқот чоғида. — Шу боис халқларимиз ҳам бир-бирини азалдан жуда яхши билади.

Президент айтган ушбу омиллар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни бугунги кунда ҳам рисоладагидай ривожлантиришга яна бир карра туртки беради. Лекин кейинги вақтда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда мавжуд имкониятдан тўла фойдаланилмаётгани кузатилмоқда. Учрашувда Ислом Каримов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб, ўзаро алоқаларни юқори поғонага кўтариш зарурлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борада мавжуд муаммоларни тўла-тўкис бартараф этиш, шунингдек минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баскар Кумар Митра ҳозир бўлди.

(ЎзА)

***

Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат



Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг республика фуқароларига МУРОЖААТИ

Ҳурматли ватандошлар!

Яқинда халқимиз муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан белгиланган Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб қонли жанггоҳларда ҳалоқ бўлганларнинг руҳи поклари ёдга олинди, халқимиз манфаати, Ватанимиз равнақи учун ҳалол меҳнат қилиб, кексалик гаштини суриб яшаётган онахону отахонларимизга иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бу байрам ўтганларни хотирлаш, тирикларни ҳамиша қадрлаш асрий анъаналаримиз эканлиги, бу анъана истиқлол шарофати билан бардавомлик касб этганлигининг яна бир намойиши бўлди. Юрт озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, ғайрат-шижоат кўрсатган инсонлар қадр-қимматининг чин посбони истиқлолдир. Бу ҳақиқат халқимиз, айниқса ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўрин олишида бу байрамнинг аҳамияти каттадир.

Эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги, эркинлик ва адолат тантанаси учун курашган, бу машаққатли йўлда қурбон бўлган инсонлар хотирасини эъзозлашга барчамизни даъват этаётган юртбошимиз яқинда яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урдилар. Президентимизнинг Фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Фармойишда комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртдошлар, сизга мурожаат қиламиз:

— оилангизда, маҳаллангизда, қишлоқ ёхуд шаҳрингизда яшаган, қатағон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса,

— фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан кувғин қилинган, яқин ва узоқ хорижда яшашга маҳкум бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,

— «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган ва қурбон бўлган яқинларингиз ҳақидаги материаллар бўлса,

барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми шарифи ва манзиллари аниқ ва холис ёритилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий мурожаат йўли билан комиссия номига йўллашингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан ҳуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдай масъулиятли ва савобли иш барчамизнинг сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

Жамоатчилик комиссияси аъзолари:

Наим Каримов, Аҳмад Алиев, Дилором Алимова, Неъмат Аминов, Саид Аҳмад, Холида Аҳророва, Набижон Боқий, Хуршид Дўстмуҳамедов, Бойбўта Дўстқораев, Низомиддин Маҳмудов, Собир Мирвалиев, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Нодира Рашидова, Шуҳрат Ризаев, Ҳалим Саидов, Хайриддин Султонов, Шерали Турдиев, Бегали Қосимов, Иброҳим Ғафуров, Озод Шарафиддинов, Ислом Усмонов.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази.

Тел: 133-67-91, 56-47-96

Ҳаётимиз дастури

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқини Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари, шоликорлари, соҳибкорлари, чорвадорлари, жанубий Орол балиқчилари, саноат, транспорт, қурилиш ходимлари, зиёлилар, хуллас, барча-барча зўр қизиқиш билан тинглади ва эшитди, газета саҳифаларида ўқиб, ҳар ким ўзига тегишли дастур, қўлланма ишлаб чиқмоқда.

Уруш ва меҳнат фахрийси, биринчи гуруҳ ногирони Ибраим МУРЗАНАЗАРОВ:

— Мустақилликка эришганимиздан кейин республикамиз мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда. Саноатнинг янги турлари вужудга келди. Янги завод ва фабрикаларда жаҳон андозасига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва сотилмоқда. XXI аср бўсағасида турибмиз. Яқин келажакда мамлакатимизнинг энг ривожланган мамлакатлар қаторига ўтиб олишига ишончимиз комил. Чунки янги асрнинг пойдевори ҳозирданоқ пухта тайёрланмоқда!

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Айтгул САПУРОВА:

— Хотин-қизлар қатнашмаган бирон ташкилот, корхона, идора, бирлашма, муассаса, хўжалик йўқ — ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида хотин-қизлар асосий ўринни эгаллайди. Президентимизга минг-минг раҳмат! Аёлларимизнинг серташвиш юмушларини ҳисобга олиб, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилганидан биз, аёллар чин қалбдан миннатдормиз!

Аҳолини табиий газ, ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Газ, ичимлик сув билан таъминлаш қанча яхши бўлса, аёллар юмуши шунча енгиллашади. Ҳозиргача республикада аҳолининг 87 фоизи табиий газ билан, 59 фоизи марказлаштирилган усулда ичимлик сув билан таъминланди.

Халқаро музейлар кунига бағишлаб

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Халқаро музейлар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри музейлари ходимлари, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ва пойтахтимиз меҳмонлари иштирок этди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда маданият соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар каби маданий меросни асраб-авайлаш, миллий қадриятларни тиклаш, шу жумладан, музейлар ишини тубдан яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 1998 йил январ, ойида Президентимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан, республикамизда «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилиши музейлар фаолиятининг янги даврга қадам қўйишига асос бўлди. Зеро халқимиз ўз миллий мероси ва маданий қадриятлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бугунги кунда бу қадимий маданиятнинг меросхўри бўлган халқимиз ўзининг бебаҳо бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Тантанали кеча доирасида «Мозийдан садо» деб номланган янги журналнинг тақдимот маросими бўлди. Унда Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов сўзга чиқиб, тантана иштирокчиларини янги журнал билан таништирди. Мазкур журнал ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилмоқда. У музейшунослик маданиятини ошириш, одамларни миллий меросимиз ва маданий қадриятларимиздан кенг хабардор қилиб бориш ҳамда бу соҳада ютуқларимизни тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сарой фойесида кеча иштирокчилари учун «Ўзбекистон музейлари — кеча, бугун, эртага» кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда намойиш қилинган улкан тарихимиз ва бугунги ҳаётимизни ифода этувчи экспонатлар меҳмонларни эътиборсиз қолдирмади.

Тадбирлар сўнгтида Халқаро музейлар кунига бағишлаб катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

Кечада ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн қатнашди.

(ЎзА)

Журналист хоним эътирофи

Халқаро журналист, «Ҳиндистон аёли» журналининг бош муҳаррири Ренука Кандакар хоним Андижонга ташриф буюрди. У сафар чоғида вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турмуш тарзини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, миллий қадриятларни тиклаш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, меҳмон вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган уюшмалар раҳбарлари ва аёллар билан учрашди, ҳамда аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш мақсадида бажарилаётган тадбирлардан катта таассурот олганлигини изҳор этди. Кўрганлари ҳақида Ўзбекистон аёллари ҳаёти тарзи хусусида китоб ёзиш ниятини билдирди. «Ҳиндистон аёли» журналида бу ҳақда батафсил ҳикоя қилишини айтди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Жаҳон тилларида сўзлашиб

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида юртбошимизнин асарлари юзасидан талабаларнинг жаҳон тилларида давра суҳбати ўтказилди. Сўзга чиққан Абдулла Мамажонов, Фарҳод Нурмуродов, Натэла Фарсиян, Камолиддин Раббинов, Даврон Бобоев, Лола Иномова ва бошқалар инглиз, француз, олмон, хитой, испан, араб ва рус тилларида Президент асарларидан парчалар келтириб, мисоллар билан тушунтирдилар. Таржима факультети декани Омон Мўминов билан тарихчи олима Лола Шукурова тилни ўрганишга бўлган муносабатни ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасига қўйилган талаблар даражасида баҳоладилар. Шундай қилиб ушбу суҳбатда хорижий тилларда ўз иқтидорларини намоён қилган талабаларнинг рейтингларини кўтариш тавсия этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Биринчи бўлиб бажардилар

Усмон Юсупов тумани пиллакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб пилла етиштириш бўйича йиллик режани уддаладилар. Етиштирилган зар тола 17 тоннага етди. Э. Мавзиев, Г. Облоқулова, М. Умарқулова, М. Абдуллаева, О. Худойқулова сингари зар тола ижодкорлари 130 килограммгача хомашё тайёрладилар.

Моддий манфаатдорлик-чи?

— Пилла етиштириш сермашаққат юмуш, — дейди Усмон Юсупов туман ҳокими Ёркин Турсунов. — Шу боис пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги ҳозирги вақтда энг муҳим масалалардан бири деб ўйлайман. Шу маънода туман пиллакорларига 15 миллион сўм пул тарқатилади.

Илҳом КАРОМОВ

Журналист текшируви

Қишлоқ боғчаси муаммолари

Унинг ечими кимлар қўлида?

Бу сафар таҳририят номига йўлланган мактуб бир неча сўзлардангина иборат эди: «Андижон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасидаги 3 та болалар боғчасидан лоақал биттасини ишлатишга ёрдам бersангиз. **Зиёда Шодмонова**.

Гарчи мактуб қисқа бўлсада, бу сатрлар остида ётган изтироб, чорасизлик, айни пайтда кўпдан сўнмай келаётган умид туйғулари ётганини илғаб олиш қийин эмас эди, албатта.

«Андижон» дея номланувчи бу хўжаликни вилоятда ким ҳам билмайди дейсиз. Чунки у яқин-яқинларгача кўпчиликнинг тилидан тушмай келар эди. Ҳозир ҳам унинг иқтисодий имкониятлари ёмон эмас. Бирлашманинг 4600 гектар суғориладиган экин майдони бор. Ҳудудида 1170 хонадон ёки 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, ҳамма гап ана шу одамларнинг ақл ва билак кучларини ишга солиш, хўжаликни эса обод ва фаровон жойга айлантира билишда қолган.

Бироқ, афсуски, бир қарашда жўнгина бўлиб кўринадиган ана шу вазифани уддалашнинг иложи бўлмаяпти. Шунинг учун бўлса керак, сўнгги тўрт йил мобайнида бу ерда тўрт маротаба раҳбар ўзгарди. Ҳозиргиси эса — бешинчи экан. Биргина ўтган йилнинг ўзида олдиндан режалаштирилган 28 миллион сўм фойда ўрнига 133 миллион сўм зарар кўрилди. Жамоанинг ҳозиргача тўпланиб қолган умумий қарзлари эса бизга берилган маълумотларга қараганда, 255 миллион сўмдан ошиб кетган.

Хўжалик ҳудудида тўртта мактаб бор ва уларда жамоа аҳлининг 2 мингга яқин фарзандлари таълим олишмоқда. Яхшими, ёмонми ҳар қалай мактаблар ишлаб турибди. Шунингдек, юқорида таъкидланганидек учта боғча ҳам мавжуд. Боғча биноларини кўриб ҳавас қиласиз. Икки қаватли, кенг, ёруғ хоналар. Ҳовлилари боғ, соя-салқин, шинам жойлар. Айтишларича, биз ўтиб кўрган боғча биноси бундан ўн йилча муқаддам барпо этилган экан. «Семург» дея аталадиган бу кичкинтойлар маскани шундоққина хўжалик идораси ёнида жойлашган. Фақат афсуски, деярли барча қулайликларга эга бўлган бу боғча эндиликда бўм-бўш...

Хўш, болалар боғчаларининг ёпилиши, уларнинг эгасиз қолишларига нималар сабаб бўлмоқда?

— Хўжаликлардаги иқтисодий инқирозлар, шу аснода болалар боғчалари учун маблағнинг йўқлиги, — дея жавоб беришди биз билан суҳбатда бўлган масъул кишилар. Бу тушунарли, албатта. Табиийки, бу каби далилларга эътироз билдиришингиз ҳам қийин. Шунинг учун ҳам кўпчилик бу масалани осонгина ўзидан соқит қилиб қўя қолганга ўхшайди. Болалар боғчаларининг ташвиш ва муаммолари аллақачон ҳокимлар ва уларнинг бу ишларга мутасадди бўлган муовинлари, хўжалик раҳбарлари ва бошқаларнинг кундалик иш режалари тартибларидан изсиз йўқолганлиги ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Мазкур масала билан танишиш жараёнида бизда таҳминан биргина болалар боғчасининг йиллик харажати қанча бўлиши ва нақотки, бу харажат шу қадар катта бўлсаки, уни у ёки бу хўжалик ўз зиммасида кўтара олмайдиган даражага етиб қолган бўлса, деган фикр пайдо бўлди. «Андижон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси касаба уюшмаси раиси Шамсиддин Нўъмонов, бош иқтисодчи Аймахан Ибраимовлар билан ҳамкорликда аниқланган нарса шу бўлдики, бундан беш йилча муқаддам, яъни 1994 йилда бу каби ишлар ва масалаларга чек қўйилган экан. Шунинг учун ҳам бу борада масалага ойдинлик киритишнинг иложи бўлмади.

Балки фақатгина Оқолтин тумани хўжаликларида шундай аҳвол юзага келиб қолгандир?! Балки вилоятнинг бошқа туманлари, хўжаликларида вазият ундай эмасдир? Биз ана шундай савол билан Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси инфратузилма бўлими бошлиғи Қосим Алматовга мурожаат қилдик.

— Вилоят қишлоқларидаги 180 та боғчанинг бирортаси ҳам ишлаётгани йўқ, — деди суҳбатдошимиз қандайдир ички алам билан. Афтидан кўпдан бу масалада кўнгли тўлиб-тошиб юрган эканми, жавоби шу қадар лўнда ва кескин эди. Биз бунинг сабабини сўрадик.

— Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан хўжалик ҳисобидаги боғчалар, мактаб ва амбулаториялар вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари балансига ўтказилмоқда. Иккинчидан, эса биздаги боғчаларни ишлатиш учун, мана икки йилдирки, ҳеч қандай маблағ ажратилмаётир.

Шундан сўнг Қосим Алматов бизнинг олдимизга муқовалари эскириб кетган учта папкани қўйди ва: «Мана, танишиб чиқинг, мен олишавериб чарчадим» деди...

Папкадаги қоғозлар, ёзишмалар, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа турли-туман номалар билан таниша бошлаймиз. Не ажабки, бу салмоқли ва нуфузли идора бошлиқларининг исми-шарифлари ва чиройли, жимжимадор имзолари турган қоғозлар, хатлар, далиллар бири-бирини инкор этади, бири у деса — бири бу, дейди...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил сентябрь ойидаги мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорига асосан Сирдарё вилоятидаги хўжаликлар ихтиёрида бўлган 180та қишлоқ болалар боғчалари беш йил давомида босқичма-босқич жойлардаги халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтказилиши керак. Жумладан, шу қарорга биноан тузилган тадбирга кўра, ўтган йили ҳамда бу йил ҳисобидан жами 36 та болалар боғчалари халқ таълими идоралари балансига ўтказилгани таъкидланади. Лекин буларнинг бари — қоғоздаги гаплар, холос. Амалда эса барча қишлоқ болалар боғчалари аросатда қолди, яъни на у ёғлик бўлди, на бу ёғлик. Мана, қуйидаги ҳолатга эътибор қилинг.

Майли, қоғозларда таъкидланганидек, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфида бўлиб келган 180 та болалар боғчасининг 36 таси халқ таълими тизимлари ихтиёрига ўтди ҳам дейлик. У ҳолда шу пайтга қадар «ўтказилмай» қолган 144 та болалар боғчасининг тақдири нима кечаётир?

— Ўтган йили биз ана шу боғчаларимиз учун маблағ ажратилишини сўраб «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа қатор республика, вилоят ташкилотлари раҳбарларига мурожаат қилдик. Республика идоралари вилоятимиздаги идора ҳамда бошқармаларга мурожаат этишни тавсия қилдилар. Вилоятимиздаги «Сирдарёсавдо» концерни, «Сирдарёматлуботсавдо» акционерлик компанияси, бошқа қатор тегишли идоралар турли баҳоналарни рўкач қилишиб илтимосларимизни рад этишди. Ҳар қанча уринмайлик, бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетди.

Қосим Алматовнинг қуйиб пишганича бор, албатта. Шунча катта мансабдор шахслар қаршисида биргина инфратузилма бўлими бошлиғининг уринишларию қуйиб-пишганлари қаерга ҳам борар эди?..

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нега бу муҳим ижтимоий масалани ҳал этишдан жойлардаги ҳокимликлар ўзларини четга олмоқдалар? Сирдарё вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қароридан келиб чиққан ҳолда тегишли идоралар, концернлар, бошқарма бошлиқларининг бошларини бир жойга қовуштириб, масалага ойдинлик киритиши, бу йўлдаги тўғаноқларни олиб ташлаши мумкин эдику? Чунки мазкур қарорда маҳаллий ҳокимлик идораларига аҳолига халқ таълими, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмати кўрсатишдаги ролини ошириш мақсади ёттани таъкидланади, болалар боғчаларидан зарур даражада фойдаланиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси қўйилган эди-ку?

Ахир ўйлаб кўринг: вилоят қишлоқларидаги 180 та кичкинтойлар маскани ёпилиб қолсаю, бу ҳол бирорта нуфузли раҳбарни ташвишга солмаса, қалбини безовта қилмаса? Ахир биз академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, кўплаб мактабларни кимлар учун қурмоқдамиз? Мустақил жамият, янги замон кишиси тарбияси, энг аввало, боғчадан бошланиши ҳеч кимга сир эмаску? Аввало Сирдарё вилоят ҳокимлиги, қолаверса, тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа мансабдор шахслар ўз масканларини интизор бўлиб кутишаётган 18-20 минг нафар қишлоқ жажжи болакайларига раҳмлари келар ва бу масала ечимини топиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришар, деган умиддамиз.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП хабари

Фойдали мулоқот

18 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг Халқаро ҳамжиҳатликка кўмакдош ассоциациясининг мазкур уюшма раёсати аъзоси Ван Тиньюй бошчилигидаги, тўрт кишидан иборат, делегацияси қабул қилинди. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга мамлакатимизда, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳнамолигида, демократик давлат, адолатли жамиятнинг бунёд этилиши ҳамда ушбу жараёнларда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни, партия фаолиятининг асосий йўналишлари, унинг жорий ва яқин истиқболдаги вазифалари ҳақида сўзлаб берди. Делегация раҳбари Хитойда рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ва унинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги хусусида гапирди. Дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган мулоқот давомида томонлар мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Ш. Алимов ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХДПда ҳисобот-сайлов конференциялари

Ҳаёт кутиб турмайди

Туман кенгашининг 2-конференциясига пухта тайёргарлик кўрилди. Унда ХДП Марказий Кенгаши ташкилий бўлими мудири ўринбосари А.Раҳимов, вилоят кенгаши иккинчи котиби Р.Ражабов, барча туманлар кенгашлари саркотиблари иштирок этдилар. Конференцияни туман ҳокими Хўжам Қодиров олиб борди. ХДП Ғузор туман кенгаши биринчи котиби Рўзи Холмонованинг ҳисобот маърузаси тингланди ва у яна саркотибликка сайланди. Шунингдек, вилоят кенгаши конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Ўтган даврда 64 та бошланғич ташкилотга бирлашган ХДП аъзолари 659 нафарга кўпайиб, 2800 кишини ташкил этди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2 нафар, туман Кенгашининг 14 нафар депутатлари ҳам партия аъзоларидан сайланган. Туман кенгашидаги депутатлар гуруҳи фаоллиги сезиларли ошди. Бу айниқса саноатни ривожлантириш, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда олға силжишларда кўриниб турибди. «Шўртангаз» газ ишлаб чиқариш корхонаси ютуқлари ҳам қувончли. Бу ерда жаҳонда энг йирик ҳисобланган газ-кимё мажмуи барпо этилмоқда.

ХДП аъзоларининг қарийб 60 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишаяпти. Пахта, дон етиштириш режалари уддаланмоқда. Аммо фойдаланилмаган имкониятлар ҳам анчагина.

— Ишимизга танқидий ёндошишимиз керак, — дейилди маърузада. — Масалан, рўйхатга олинган 236 тадбиркор корхоналарга ҳанузгача ХДП туман ташкилотининг таъсири етарли эмас. «Навбаҳор», А. Турсунов, Хонобод, М. Ҳасанова номли хўжаликлар бошланғич ташкилотларида партия сафини тадбиркор хотин-қизлар ва ёшлар ҳисобига ўстиришга етарли эътибор берилмади.

Тафтиш комиссиясининг раиси М. Ҳайдаровнинг айтишича, фақатгина 20 та бошланғич ташкилотда аъзолик бадаллари ўз вақтида тўланаётган экан.

Бунга эса изоҳнинг ҳожати йўқ.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қўнғироғингизни кутамиз

Назорат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида иқтисодий соҳани эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида гапириб, турли хил текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ҳузурида текширилаётган хўжалик субъектлари шикоятларини қабул қилиш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Гуруҳ Вазирлар Маҳкамаси биносида жойлашган. Корхона раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан содир этилаётган барча қонунбузарликлар ҳақида гуруҳга 139-80-31, 139-80-37, 139-80-38 рақамли "Ишонч" телефонлари орқали маълум қилишлари мумкин.

Шундай "Ишонч" телефонлари ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳокимликлари ҳамда давлат солиқ бошқармаларида ҳам ишлаб турибди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг ҳудудий комиссиялари Сиз берган маълумотлар асосида шошилинч чоралар кўради. Комиссияларнинг телефон рақамлари билан танишинг:

Вилоятлар	Код	Телефон рақамлари	
		ҳокимликлар	давлат солиқ бошқармаларида
1. Қорақалпоғистон Республикаси	36122	2-13-31	2-23-54
2. Андижон	3742	25-58-04 22-17-45	22-14-00
3. Бухоро	3652	4-28-94	3-44-88
4. Жиззах	37222	3-02-80 3-34-36	3-50-66
5. Қашқадарё	37522	4-39-73	3-87-49
6. Навоий	43622	3-00-75	3-32-07
7. Наманган	36922	6-51-72	6-36-50
8. Самарқанд	3662	35-20-30 33-18-84	33-01-45
9. Сурхондарё	37622	2-74-66 2-01-91	3-78-61
10. Сирдарё	3672	25-21-57	25-35-59
11. Тошкент		133-73-00	137-54-49
12. Фарғона	3732	24-43-84	24-59-38
13. Хоразм	36222	6-51-24 6-54-25	7-11-38
14. Тошкент шаҳри		133-15-32	55-67-42

Марҳамат, режасиз ва ноқонуний текширувлар ўтказиб, ишингизга халақит бераётган текширувчилар, тафтишчилар, назоратчилар ҳақида Вазирлар Маҳкамасидаги гуруҳга ва жойлардаги ҳудудий комиссияларга маълум қилинг. Бундай қонунбузарларга қарши биргалашиб курашсакгина, жамиятимиз тезроқ покланади, қонун устуворлиги таъминланади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи гуруҳи

Буюртмалар тез бажарилмоқда

дейди «Ўзгазлойиҳа» давлат лойиҳа-қидирув институти директори Обиджон Ортиқхўжаев

— Сўнгги пайтларда жамоамиз ҳаётида талайгина эсда қоларли воқеалар рўй берди. Чунончи, бизнинг мутахассисларимиз лойиҳасига кўра, жуда қисқа муддатларда Қорақалпоғистонда барпо этилаётган Қўнғирот сода заводини таъминлаш учун 24 километрлик юқори босимли газ қувури ётқизилди. Унинг лойиҳа ҳужжатларини жамоамизнинг «Газ-1» бўлими қисқа муддатда тайёрлаб берди. Ҳозир Сурхондарё вилоятининг Термиз йўналишида қурилаётган газ қувурларининг узунлиги 67 километрга етади. Шу икки мисолнинг ўзиёқ лойиҳачиларимиз тиғиз график асосида қизғин меҳнат қилаётганидан далолат беради.

Қишлоқ аҳоли пунктларини газ билан таъминлашга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Бинобарин, бу йўналишдаги вазифалар мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида аниқ белгилаб берилди. Мамлакатимиз раҳбари қабул қилинган Давлат дастурига биноан, 2005 йилда қишлоқларни газлаштириш даражасини 82 фоизга етказишни таъкидладилар. Бунинг учун мавжуд газ шаҳобчалари узунлигини 30 минг километрга етказиш талаб этилади. Биз қишлоқ жойларда газлаштириш ижтимоий инфратузилманинг асосий қисми эканлигини яхши тушунамиз. Бошқача айтганда, у аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган устувор йўналиш деб белгиланган.

Биз жамоамизнинг умумий йиғилишида ўз ишларимизни Президентимиз маърузасида баён этилган талаблар асосида таҳлил қилиб чиқдик ва келгуси ишларимизни ҳам белгилаб олдик.

Амалдаги йилда бажарадиган муҳандислик-қидирув ва лойиҳалаш ишларининг асосий қисми қишлоққа тўғри келади. Жамоамиз газ қувурлари, посёлкалараро ва посёлкалар ичидаги шаҳобчаларни лойиҳалашни муваффақиятли бажармоқда. Бунда аввало топографик ва геодезия қидирув ишлари бажарилишини кўзда тутяпман. Булардан ташқари шу йил март ойидан бошлаб «Ўзгазлойиҳа» ер ости муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларини электрокимёвий ҳимоялаш, газлаштириш ва газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш соҳасида бош муассаса этиб тасдиқланди. Шундай қилиб, «Ўздавархитекқурилиш» ва республика Коммунал хизмат

Ислоҳот ва масъулият

вазирлигининг қўшма қарори ходимларимизнинг масъулият доирасини янада кенгайтирди.

Институтимиз шу йил қурилаётган қатор йирик қурилишларнинг лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқди. Булар Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги қатор туманлар ва уларнинг марказларини қамраб олувчи газ тармоқларидир. Бу йил Андижон вилоятида газлаштириш бўйича қурилиш-монтаж ишларининг жуда катта дастури амалга оширилади. Бу дастур нафақат Андижон вилояти, балки бутун Фарғона вилояти аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилайди. Хўжаобод ер ости газ омбори ушбу катта ишнинг бир қисмидир. Бу бебаҳо комплексни жиҳозлаш лойиҳасини институтимизнинг З. Холматов раҳбарлигидаги техник қидирув бўлими бажарди. Т. Иноғомов раҳбарлигидаги гуруҳ эса шу вилоятнинг Балиқчи ва Жалолқудуқ туманларидаги газопровод қурилиши ҳужжатларини ишлаб берди. Дастурга кўра бу қурилишларга ҳам шу йил киришилади.

Институтимиз лойиҳалаш ва бошқа ишлар юзасидан тушган буюртмаларни доимо ўз вақтида ёки муддатидан олдин бажармоқда. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш кўнгилдагидай. Амалдаги йилда камида 90 миллион сўмлик иш бажарилиши кутилмоқда. Бу эса ўтган йилдагидан 8 миллион сўм кўпдир. Бу, янада кўпроқ масканларга газ қувурлари ётқизилади, янада кўпроқ уй-жойлар, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа объектлар газлаштирилади демакдир. Маълумот учун айтиб ўтай: ўтган йили ходимларимизнинг лойиҳаларига биноан 15557 километрлик «зангори олов» қувури ётқизилди ва 25792 уй-жой, 1100 коммунал-маиший хизмат объекти табиий газ билан таъминланди.

«Ўзгазлойиҳа» 2010 йилгача ҳар бир вилоят бўйича газлаштириш схемасини ишлаб чиқиш юзасидан ҳукумат топшириғини олган. Халқ хўжалиги ва ижтимоий структурани янада ривожлантириш учун фавқулодда муҳим бўлган бу ишга бутун жамоамиз сафарбар этилган. Айни пайтда Наманган вилояти учун шундай ҳужжатни тузиш ниҳоясига етказилмоқда. Бошқа вилоятларники эса шу йилнинг ноябрь ойигача битказилади.

"Институтимиз фаолияти ҳақида сўз юритилар экан, умумий ишга Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги, шунингдек, Қўқон шаҳридаги бўлимларимизнинг ҳам муносиб улушлари борлигини таъкидлаш жоиз. Бироқ, барча ишларимиз муаммосиз, силлиқ кетаяпти деб бўлмайди. Масалан, маблағ етишмаслиги сабабли лойиҳачилар меҳнатини компьютерлаштириш сингари долзарб масала ечими чўзилиб кетаяпти. Ташкилий техника воситалари тақчил. Агар бу воситалар етарли бўлганида институтимиз янада самаралироқ фаолият кўрсаттан бўларди.

Суҳбатни Икром АҲМЕДОВ ва Бобо САРОЙИ ёзиб олдилар



Соғлом авлод фарзанди

Соғлом авлод жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги, келажагимизнинг порлоқ истиқболи. Бу борада кўрсатилаётган ғамхўрликларни, саъй-ҳаракатларни нафақат озод мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, балки буни дунё эътироф этмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ Янгиўл шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида кейинги олти ой мобайнида битта ҳам болалар ўлими содир бўлмади. Бунда албатта шаҳар аёллар маслаҳатхонаси жамоасининг хизматлари катта. Бу ерда бўлгуси оналарга ўз вақтида тўғри маслаҳатлар бериш, уларни назоратдан четда қолдирмаслик ишлари самарали ташкил этилган.

Яқинда ёш оила — Жўрабоева Наргиза (уй бекаси) ва Хожибоев Умид (ишчи)ларнинг хонадонида тўнғич фарзанд дунёга келди. Қувончли томони шундаки, чақалоқ ниҳоятда соғлом, ҳали туғуруқхонада пайтидаёқ одамлар гап-сўзини илғайдиган, ҳатто оёқчаларини босадиган қобилиятга эгалиги маълум бўлди. Алпомиш достонининг юбилейи йилида туғилганлиги учун ота-оналари унга Алпомиш деб исм қўйишди.

Алпомиш ҳозир ҳамширалар назоратида вояга етмоқда.

Тасвирда Алпомиш ва унга доялик қилган шаҳар аёллар маслаҳатхонаси мудираси, биринчи тоифали акушер-гинеколог Марҳабо Аҳмедова.

Юсуф БЕКМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири
Холмурод ТОШМУҲАМЕДОВ олган сурат.

Тадқиқот ва натижалар

Бугун барча билимларимизнинг асоси бўлган бошланғич таълим-тарбия мазмун-мундарижасининг хусусан, бошланғич мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дастур ва дарсликлар, қўлланма ва методик тавсияномаларнинг таълим давлат ўлчамлари (стандартлари) ҳамда «бошланғич таълим тизими йўриқномаси» (концепцияси)га асосланган ҳолда такомиллаштирилиши давр тақозосидир.

Бу борада, бизнингча, дастлаб бошланғич синфлар учун чиқарилган барча дарсликлар тили, лексикаси статистик услуб асосида электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер) ёрдамида мукаммал ўрганилиши керак. Токи, дарслик ёки қўлланма яратувчи муаллифлар кўз олдида ҳар бир синфга тегишли сўз бойлиги яққол гавдаланиб турсин. Бу сўзлар ўша синф ўқувчилари ёш хусусиятларига қай даражада мос ёки мос эмаслиги психологик-физиологик нуқтаи назардан яққол намоён бўлиб туриши мақсадга мувофиқдир. Шу важдан бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар тилини статистик тадқиқ этишдан бош мақсадимиз ҳам барча ўқув предметлари ўқитиш самарадорлигини ошириш учун лексик асос (база) яратиш ҳамда бошланғич мактаб таълим-тарбия мазмунмундарижаси ва услубини такомиллаштиришдан иборат.

Бошланғич таълим тизимидаги биринчи синф «мактаб тили» ўқувчиларининг мактабга киргунларигача фойдаланган «тили»га қай даражада ва қай савияда яқинлиги, мутаносиблик даражаси, шунингдек, I-IV синфларнинг бир хил номдаги (Масалан, «Ўзбек тили», «Ўқиш», «Математика» каби) дарсликларининг босқичма-босқич сўзлик ҳажмлари (сўз бойлигининг ўсиб бориш мезони) синфма-синф қай ҳолатда эканлигининг статолингвистик мезон (параметр)лар билан аниқланиши катта илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу эса пировард натижада бошланғич синфларда дарслик ва қўлланмалар мазмун-мундарижасини ҳамда ўқитиш-ўргатиш услубини такомиллаштиришда муҳим имконият яратиши шак-шубҳасиздир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун дастлаб беш-олти

Дарслик

ёшли болаларимиз нутқини магнит тасмасига ёзиб олиб уларни статолингвистик таҳлил этишдан бошладик. Худди ана шундай тажрибани бошланғич мактабларнинг I-IV синфлари учун нашр этилган дарсликларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сўзлигини — сўз бойлигини статолингвистик тадқиқ этиш бўйича давом эттиряпмиз.

I-IV синфларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида частотали луғатлар туза бошладик. Шу кунларда ҳар бир синф дарслиги тил бойлигини ўзидан юқори синф дарслиги тили бойлиги билан ўзаро қиёсан ўрганмоқдамиз. Масалан, биринчи синф «Математика» («Ўқиш» китоби «Ўзбек тили» каби) дарслиги тили бойлигини иккинчи синф «Математика» (худди шундаги бир хил номдаги бошқа ўқув предметлари) тил бойлиги билан ўзаро солиштириб ўрганилиши орқали синфма-синф сўз ҳажмларининг ўзгариб бориш даражаси,тадқиқ этилмоқда.

Статолингвистик тадқиқот натижасида қайси сўз ва тушунча ёки атама қайси синф ўқувчиларига мос эмаслик мезонларига доир кўпгина муҳим сўз ва ибораларни аниқлашга эришдик.

Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик ёки қўлланмалар тили бойлиги ва атамаларига кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжаллаб чоп этилган ўзбек болалар адабиёти тил бойлиги қай даражада акс этаётганлигининг илмий-амалий ўрганилиши ҳам диққатимизни жалб этади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун махсус чоп этилган оригинал (тажриба адабиётлар мустасно) асарлардан элликкa яқини ўрганилди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун чиқарилган ўзбек болалар адабиёти тили сўзлигини статолингвистик тадқиқ этиш бўйича аниқланган ўзбек (турки) ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг миқдорий тавсифи, туб ва ясама сўзлар, бир бўғинли ва кўп бўғинли сўзлар, бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар, шунингдек, омоним, синоним, антоним ва турғун бирикмаларнинг статистик тақсимланиши, сўзликларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили сўз туркумлари бўйича фоиз ҳисобида тақсимланиши кабиларга доир статистик мезонлар маълумотлар илмий-амалий муҳимлиги ва аҳамиятлиги билан ажралиб туради.

Бошланғич синфлар дарсликлари ва қўлланмалари мазмун-мундарижасининг яратилиш жиҳати отли ва феълли бирикмалардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам, статистик маълумотлар шуни кўрсатяптики, ўзбек болалар адабиёти тили сўзлиги таркибида, асосан от ва феъл туркуми салмоқли ўринни эгаллайди. Уларда сўз туркумининг статистик тақсимланиши қуйидагича (кўпидан озига қараб): от, феъл, сифат, олмош, сон, равиш, тақлидий сўзлар, кўмакчилар, ундов сўзлар, модал сўзлар, боғловчилар, юкламалар.

Айрим далилларни келтирамиз:

От туркуми бўйича: бола, ойи, кўз, қўл, гап, кун, иш, уй, ўрток.

Феъллардан: демоқ, бўлмоқ, олмоқ, келмоқ, қолмоқ, қилмоқ, кетмоқ.

Сифатлардан: яхши, катта, ёмон, чиройли, янги кабилар.

Олмошлардан: у, мен, бу, ўзи (ўз), шу, нима, ҳамма кабилар.

Сон туркуми бўйича: бир, икки, уч, биринчи, учинчи ва бошқалар.

Равишлардан: кейин, энди, яна, жуда, ҳозир, кўп кабилар.

Ёрдамчи сўзлардан: ва, билан, учун, лекин, деб ва бошқалар

Модал сўзлар бўйича: бор, йўқ, майли, керак, албатта кабилар.

Қичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун чоп этилган бадиий адабиётлар тилининг лексик, грамматик ва бошқа жиҳатларини статолингвистик тадқиқ этилиши, ўрганилиши биринчи навбатда бошланғич мактаб дастур ва дарсликларини, қўлланмаларини тузишда материал-манба танлашда ва уларни жой-жойига қўйиш, яъни жойлаш каби масалаларни одилона ҳал этилишида катта имконият яратиб беради.

Маълумки, ўзбек тили бошқа туркий тиллар ичида ҳурмат формасининг, (айниқса, ким бўлишидан қатъи назар) ўзидан қаттани сизлаш формасининг қучлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Мавжуд (амалдаги) дарслик ва қўлланмаларимиздаги матнлар таркибида, ифода жараёнида негадир ҳурмат формасининг қўлланилиши талаб даражасида эмас. Буни биргина I синфлар учун «Алифбе» (1993, 1994 ва 1996-1998) ва «Математика» (1993-1994 ва 1996-1998) дарслиги тили бойлигини статистик услуб асосидаги таҳлил натижаларимиздан билишингиз мумкин.

Ҳақли равишда: «Миллий одоб қани?» деган савол туғилади. Назаримизда, барча дарслик ва қўлланмаларимизда ўзбек ҳаётини, ўзбек турмуш тарзини, урф-одатларини, ҳурмат (сизлаш) шакли (формаси)ни кучайтиришимиз зарур.

Дарсликларимиздаги матнлар мазмунини ўқувчиларимизнинг ёш хусусиятларига мослаштиришимиз, расмлардан тортиб, барча матнларда миллийликни акс эттиришимиз, шубҳасиз, дарсликлар мазмуни ўқувчиларимиз томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Шунингдек, ўйин мазмунидаги топишмоқ ва машқлардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Суннатулла РИЗАЕВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти

Тадбиркорларга мададкор

Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиш, иқтисодий ўзгартишларнинг олдинги сафида бўлиш, бизнес юритиш учун пулнинг ўзи етарли эмас. Тадбиркорлик фаолияти бўйича чуқур билим ва тажриба зарурдир. Бизнесга кўмаклашиш марказидаги таълим бериш дастури ана шу мақсадлар учун хизмат қилмоқда. Бундай дастурлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қисқа муддат ичида эътироф ва шуҳратга сазовор бўлган.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази ўзбек ишбилармонларига ёрдам кўрсатиш мақсадида 1994 йилда тузилган эди. Таълим бериш дастури ноанъанавий лекцияларни ва семинарларни шунингдек, мунозаралар, амалий ўйинлар ва тренингларни ўз ичига олган. Булар машғулотлар қатнашчиларига тадбиркорлик борасида зарур билимни эгаллашларига кўмаклашмоқда. Марказ, шунингдек бизнесменларга, корхоналарга ва жамоат ташкилотларига консалтинг хизматларини ҳам кўрсатмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ

Қотилликка бошлаган ташҳис

Шифокорнинг «қайси бирингиз «юрасиз», деган саволи Аҳмадқулни тошдай қотириб қўйди. Вужудини муздай тер босди. Ўзининг яқин орада бегона аёл билан бўлмаганини ўйлаб қалтироқ тутди. Наҳотки, хотини бошқа билан... Ифлос!!! Ҳали сен менинг гуруримни поймол қиладиган бўлдингми?!. Ўлдираман.

Кутилмаган гапдан боши гангиб, мияси ғувиллаб қолган Дилором ҳам...

Хуллас, «заҳм билан касалланибсизлар», деган ташҳис бир оиланинг дарз кетишига сабаб бўлди. Эрхотин шу дамдаёқ бир-бирига ёв бўлди-қолди.

Хотинидан гумонсираб қолган Аҳмадқул қалбида пайдо бўлган ёвузликни енгиш ўрнига уни авж олдиришга тушди. «Сени ўлдирмасам, ўзимни ўлдираман. Бундай яшагандан ўлганим яхши». Бу ўйлар соатлар эмас, дақиқалар сайин миясини кемира бошлади. Кунларнинг бирида, мен Сурхондарёга кетдим, дедию, шу яқин орада яшайдиган опаси Тўтиникида қўним топди. Орадан ўн кунлар ўтгач, ярим кечаси туриб уйига келди. Деразадан секингина уйига кириб, ухлаб ётган хотинига пичоқ санчди.

Чўчиб уйғонган гўдаклар воқеани кўриб тарашадай қотиб қолдилар. Қўлидаги пичоқни хотининнинг тўғри келган жойига санчаётган Аҳмадқулнинг кўзи қонга тўлган, шу дам унга ким халақит қилса қўшиб чавақлаб ташлагудек важоҳатда эди.

Онанинг аъзои баданидан тирқираб отилган қон эса болалар юзига сачради. Афсуски, гўдаклар чирқирашдан нарига ўтолмади. Қотилота ўз хотинининг бўйнини ҳам кесиб, марҳумани болалар олдида қолдирганча чиқиб кетди.

Ушбу аянчли қотиллик тафсилоти Самарқанд вилояти суди томонидан атрофлича ўрганилгач, Аҳмадқул Ҳамроқуловга олий жазо тайинланди. Бироқ, ушбу аянчли ҳодисанинг рўй беришига олиб келган сабаблар ҳамон одамни ўйга толдирмоқда. Модомики, шифокор касалликни аниқлаган маҳалда беморларни тинчлантириши, ушбу касаллик фақат жинсий йўл билан эмас, балки бошқа ҳолатларда ҳам юқиши мумкинлигини тушунтириши, уқтириши ва шунга уларни ишонтириши лозим эмасмиди?

Ёки эр-хотиннинг бири ростдан айбдор бўлса, уни рўй-рост тан олиб ўртадаги муносабатни бирон тинч йўл билан ҳал қилишга уринса бўлмасмиди? Ахир улар ёш бола эмасди.

Аҳмадқулнинг тутган йўлини эса сира оқлаб бўлмайди. Чунки, у ўз шаънини, қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйди. Қолаверса, шошма-шошарлик билан катта хато қилиб қўйиши мумкинлигини наҳотки у тушунмайди? Унинг тушунишни истамагани, бунинг сабабларини ўрганишни хоҳламагани эса жоҳиллик йўлига бошлаган.

Аҳмадқулнинг «Мен уни ўлдираман, ёки ўзимни бирон нарса қиламан» деган гапини унинг оғзидан эшитган ака ва опачи? Фожиа олдини олишга уларнинг бир оғиз ширин сўзи, тўғри насиҳати етарли эмасмиди?

Шуларни ўйласанг, ҳаётимизнинг айрим жабҳаларида рўй бераётган бу сингари қотилликлар арзимаган сабаблар туфайли содир бўлаётгани ва жуда аянчли оқибатларга олиб келаётгани ташвишга солади.

Ўлган ўлди. Қотил ҳам жазосини олди. Бироқ, бегуноҳ гўдакларда нима гуноҳ? Тирик банда ўлмаса бир кунини кўрар-да, деган далда билан ўзимизни алдашимиз мумкин. Лекин, тирик етим қолган гўдакларга, ҳали отанинг эркалашига тўймаган, онанинг суюшларини доимо соғиниб турган болакайларга тирик қолишнинг ва бир амаллаб кун кўришнинг ўзи малҳам бўлармикан?

Шуҳрат РЎЗИЕВ, милиция капитани.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлида

Германия банклари:

ЕВРОДАГИ ДАСТЛАБКИ КРЕДИТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германия Федератив Республикаси банклари билан узвий алоқалар боғлаб келмоқда. Германия Ўзбекистон учун кредит йўналишлари очган дастлабки давлатлардан бири бўлиб, Миллий банк 1992 йилдаёқ Германиядаги АКА банклар консорцуми билан биринчи бор кредит шартномаси имзолаган эди. Кейинчалик эса худди шундай кредит шартномалари КФВ, Берлинер, Дойче, Байериш Ферайнс ва Хипо банклари билан ҳам имзоланди.

Республика иқтисодиётининг таркибини камол топтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун сармоялар жалб этилишини таъминлаш масаласини албатта икки мамлакат молиячиларининг халқаро ҳамкорлигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурини бажара бориб, Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки ҳамда Осиё ривожланиш банкининг кредит йўналишларини ушбу соҳага жалб этди. КФВ банкининг кредит йўналишларини кичик ва ўрта бизнесни сармоявий молия билан таъминлашга жалб этиш йўлларини ишлаб чиқди.

Ниҳоят, Тошкентда Миллий банк билан Кредитенштальт фюр Видерауфбау (КФВ, Германия) ўртасида жами 15 миллион Евро (30 миллион немис маркасига тенг) миқдорида кредит ажратилиши ҳақидаги келишувга имзо чекилди. Ўрта Осиёда дастлабки Евродаги кредит шартномаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси З. Мирхўжаев ва КФВ банки бошқаруви аъзоси Ханс Райх томонидан имзоланди.

Заём шартномаси тартибларига кўра, кредит йўналишлари 10,5 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан тақдим этилади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги кичик ва ўрта бизнесни молиявий таъминлаш лойиҳаларига мўлжалланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига бериладиган кредитлар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолатига асосланиб ажратилади. Ушбу кредит суммаси эса қуйидаги тартибда тақсимланади:

Сумманинг 50 фоизи, яъни 7,5 миллион Евро Миллий банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш лойиҳаларига жўнатилади. 50 фоизи, яъни 7,5 миллион Евро эса кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини бундан буён ҳам молиявий таъминлаш учун Ўзбекистоннинг бошқа тижорат банкларига жўнатилади.

Бу КФВ ва миллий банк ўртасида 1993 йилдан буён барқарор ривожланаётган ҳамкорликнинг яна бир тасдиғидир. КФВ банки томонидан илгари ажратилган кредитнинг 313 миллион немис маркаси ўзлаштирилди ва 10 та сармоявий лойиҳа амалга оширилди. Булар телекоммуникация, транспорт тармоғи, тўқимачилик саноати, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди. Яқин келажакда 137 миллион немис маркаси миқдоридаги яна бешта лойиҳа амалга оширилади. Тошкент аэропортидаги авиайўналишларни ривожлантириш ва таъмирлаш, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасини замонавий компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш, синтетик материаллар ва гилам иплари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Кредит ва сармоялар ҳажми кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон тараққиёт банкини ташкил этишга қарор қилинди. Унинг низом капиталини дастлабки босқичда 10 миллион АҚШ доллари ҳажмида белгилаш кўзда тутилган. Банк муассислари орасида Ўзбекистоннинг йирик молия ташкилотлари билан бир қаторда Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Германия давлат сармоя жамияти ҳам бор.

Шунингдек, КФВ Германия тараққиёт банки Ўзбекистон тараққиёт банкини ташкил этиш маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш учун 1 миллион 440 минг немис маркаси миқдорида гранд тақдим қилишга тайёр эканлигини билдирди. Бундан ташқари Германия иқтисодни ривожлантириш борасидаги 50 йиллик тажрибасини ўртоқлашиш мўлжали борлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки матбуот хизмати

Сайлов якунланди

Куни кеча Исроилда сайлов бўлиб ўтди. Халқ парламент аъзоларини ва ҳукумат Бош вазирини сайлади.

Аслида сайлов натижалари келаси ҳафта расман эълон қилинади. Лекин ҳозирданоқ мамлакатнинг Бош вазири ким-у, парламентда қайси партия кўпроқ овоз олиши маълум бўлиб қолди.

Исроил телевидениесининг маълум қилишича, «Ягона Исроил» блоки раҳбари Эҳуд Барак Бош вазир курсисини эгаллаш учун зарур овозга эга бўлган. Дастлабки маълумотларга қараганда, Эҳуд Барак учун сайловчиларнинг 56,1 фоизи овоз берган. Бинямин Нетаняху эса 43,9 фоиз овоз билан кифояланган.

Эҳуд Барак йўлбошчилик қилган «Ягона Исроил» тарафдорлари парламентда ҳам энг кўп ўрин олишга муваффақ бўлди. Улар Кнессетдаги 33 ўринни эгаллади. «Ликуд» аъзолари эса 19 ўринни эгаллаши мумкин.

Диққат, тендер!

Жиззах вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етказиб бериш бўйича фаолият кўрсатаётган ва турли мулк шаклларига эга бўлган ташкилотларни қуйидаги жиҳозлар етказиб берилиши бўйича ўтказилаётган очиқ пудрат савдо (тендер)ларда иштирок этишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Т/р	Маҳсулот номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	2	3	4	5
	I Кабель маҳсулотлари			
1	Электр ўтказувчи симлар	АПВ-2, 5мм²	км	60
2.	Электр ўтказувчи симлар	АПВ-4мм²	км	34
3.	Электр ўтказувчи симлар	АПВ-6мм2	км	40
4.	Электр ўтказувчи симлар	АПВ-10 мм2	км	10
5.	Ёритувчи электр сими	АПВ-2х2, 5 мм2	км	80
6.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х6мм2	км	50
7.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х10мм2	км	45
8.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х16мм2	км	30
9.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х25мм2	км	25
10.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х35мм2	км	30
11.	Кучланишли кабель	АВВГ-4х50мм2	км	30
	II Ёритувчи арматура ва кучланишли жиҳозлар			
1.	Бир лампали ёритувчи чироқлар	НПО 1х100	дона	2489
2.	Икки лампали ёритувчи чироқлар	ЛПО 2х40	дона	3193
3.	Уч фазали электр ўлчагич	САЧ-И672П	дона	47
4.	Тақсимлаб берувчи кучланишли пункт	ПР11-1082	дона	136
5.	Трансформатор подстанцияси	ТМ-100/10	комп.	16
6.	Трансформатор подстанцияси	ТМ-160/10	комп.	5
7.	Кўчани ёритувчи чироқлар	РКУ-250	комп.	205
	III Технологик қисм			
1.	Совутгич шкаф	ШХ-08-0, 56	дона	9
2.	Электр қовуриш шкафи	ШЖЭ-0,51А	дона	6
3.	Электр ўчоғи	ПЕ-0,51	дона	6
4.	Электр това	СЭ-0,45м	дона	3
5.	Буғда пиширадиган аппарат	АПЭ-0,23м	дона	3
6.	Пиширадиган электр қурилма	УЭВ-60	дона	6
7.	Овқат пиширадиган электр қозон	КПЭ-100-1м	дона	6
8.	Картошка тозалаш машинаси	МОК-250-0,1	дона	3
9.	Сабзавот кесиш машинкаси	МРО-350-0,1	дона	3

Пудрат савдо (тендер)ларни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармаси Жиззах вилояти филиали.
Мурожаат учун манзил:
708000. Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 63-уй, 321-хона. тел: (37222) 3-14-66.

Вазирлар учрашади

20-21 май кунлари Озарбойжон пойтахтида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 9 Кенгаши бўлиб ўтади. Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Туркманистон, Туркия, Афғонистон ҳамда Покистон давлатлари ушбу минтақавий ташкилот аъзолари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мазкур ташкилотга Қозоғистон Республикаси раислик қилмоқда. Навбатдаги учрашувдан кўзда тутилган мақсад томонларнинг савдо-иқтисодий, транспорт, молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ва бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Россияда янги Бош вазир

Россия давлат думаси Президент Б. Ельцин томонидан номзоди киритилган Сергей Степашинни ҳукумат раиси лавозимига тасдиқлади.

Маълумки, ўтган ҳафта Б.Ельцин Е. Примаков ҳукуматини истеъфога чиқарган, унинг ўрнига ҳукумат раиси вазифасини бажариб туришни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ички ишлар вазири С. Степашин зиммасига юклаган эди. Давлат бошлиғининг бу қарори мамлакатнинг ўзида ҳам, хорижда ҳам турлича талқин қилинди. Буни коммунистлар вакиллари «оилавий сиёсий бюро» таъсирида «уюштирилган иш» деса, кимдир кўзда тутилган импичмент олдидан сўл кучларга қаратилган сиёсий тадбир, деб баҳолади. Б. Ельциннинг ўзи ушбу масала юзасидан телевидениеда берган баёнотида Е. Примаков ҳукуматининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштириш учун амалга оширган ишларини юқори баҳолаш билан бирга иқтисодиётда айтарли ўзгаришлар қилинмаганини алоҳида таъкидлаган.

Нима бўлганда ҳам Е. Примаков ҳукумати истеъфога чиқарилди. Шуни айтиш жоизки, Б. Ельцин ҳокимиятни эгаллагандан кейин, яъни ўтган 9 йилда Россияда ҳукумат бошлиғи олтинчи маротаба ўзгартирилмоқда. С. Степашингача бу лавозимда И. Силаев, Е. Гайдар, В. Черномирдин, С. Кириенко ва Е. Примаковлар фаолият кўрсатишган эди. Шулардан энг кўп муддат — қарийб 6 йил давомида Бош вазир лавозимида ишлагани В. Черномирдин бўлди. Қолганларнинг аксарияти 1 йилга етмасдан истеъфога чиқарилди.

Энди С. Степашинга келсак, ўтган ҳафта давомида давлат думасидаги барча фракциялар вакиллари билан суҳбат ўтказди. Сўллар ҳам, ўнглар ҳам бу учрашувлар мобайнида биринчи уринишдаёқ С. Степашин номзоди етарли (226) ва балки ундан ҳам кўпроқ овоз тўплаши мумкинлигини айтишди. Бошида «Менга Бош вазир ўринбосарлиги лавозими берилмаса, либерал демократлар Степашинни ёқлаб овоз бермайди» дея аюҳаннос солган РЛДП раҳбари В. Жириновский ҳам суҳбат якунидан кейин «қўллаймиз», деди.

Бош вазир лавозимига номзод 19 май куни давлат думасида депутатларга агар уни қўлласалар келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган биринчи навбатдаги тадбирлари ҳақида гапириб берди. С. Степашиннинг думада сўзлаган нутқидаги бир жиҳат бизнинг эътиборимизни тортди. Яъни Россиядаги сиёсатчилар бугунга келиб, иқтисодиётнинг устувор эканлигини, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши кераклигини энди-энди тилга олишмоқда. С. Степашин «иқтисодиётдаги барқарорлик бу — жамиятдаги барқарорликдир», «ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, одамлар учун» дея чиқиши шундан далолат эмасми? Агар эслайдиган бўлсак, Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзига хос ва мос йўлни — иқтисодиётнинг устуворлигига оид беш тамойилни ишлаб чиқиб, изчил ва босқичма-босқич амалга оширишга киришган эди. Юқорида таъкидлаганимиз — бугунга келиб Россиядаги ҳукуматга даъвогар сиёсатчиларнинг мана шу беш тамойилда кўрсатиб ўтилган қоидаларни ўзлари учун мақбул йўл сифатида шиор қилиб айтишлари Ўзбекистоннинг аввал бошиданоқ нақадар тўғри йўл танлаганлигини кўрсатиб турибди. Лекин бизнингча, бу қоидаларни россиялик сиёсатчилар фақат айтиш билан чекланиб қолмасдан, ҳаётга жорий қилишни ҳам уддалай олсалар, улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатнинг иқтисодий аҳволида ўнгланиш юз бериши муқаррар бўлади.

Ҳар қалай давлат думаси депутатлари шундай истаклар билан С. Степашинни ёқлаб овоз берган бўлсалар ажаб эмас. Хуллас, думадаги овоз беришда кузатувчилар илгари айтган тахминлар тўғри бўлиб чиқди. Яъниким, биринчи уринишдаёқ С. Степашин номзоди қўллаб-қувватланди. Овоз беришда иштирок этган депутатларнинг 298 нафари Сергей Степашинни Россия Бош вазири этиб тасдиқланишига розилик билдирдилар. Демак, бугундан Россияда янги ҳукумат раиси иш бошлади. Бу ҳукумат халқнинг оғирини енгил қилиб, ишончини оқлайдими-йўқми буни вақт кўрсатади.

Аслиддин ОРТИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси

Сусткашлик чемпионларга хосми?

SPORT

Мана, олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 10-тур учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Бу сафар дарвозаларга жами 39 та тўп киритилгани учрашувларнинг муросасиз ўтаётганидан нишонадир. Айниқса, «Дўстлик» футболчиларининг «Трактор» майдонида ҳисобни 9:2 га етказишгани мухлисларда ажиб таассурот қолдирди. Шунингдек, пешқадамликка даъвогар «Навбаҳор» сафарда «Насаф»ни 3:1 ҳисобида енгган бўлса, «Металлург» «Ҳоразм» майдонида ягона тўп киритиш билан ғалабага эришди. Самарқандликлар ҳам сафарда «Сурхон» жамоасини 2:1 ҳисобида доғда қолдирдилар.

Лекин пахтакорчиларнинг ўйинларидан ишқибозлар кўнгли тўлмаяпти. Чемпионларга нима бўлган ўзи? Бултур чемпион МҲСК жамоаси сусткашликни ўзига «касб» этиб, охир-оқибатда олий лига билан хайрлашиб қўя қолувди. Ахир, «Пахтакор» мавсумни бинойидек бошлаган эдику. Улар биринчи учрашувни «Дўстлик» майдонида ўтказиб (1:1), кейин «Трактор»ни қабул (4:1) қилишганди. Учинчи учрашув Самарқандда ўтиб, пойтахтликлар имкониятни 2:1 ҳисобида бой беришди. Тўртинчисида «Янгиер»ни қабул қилиш билан ғалабага (4:1) эришилди. Кейин «Темирйўлчи» майдонида яна ютқазилди — 3:2. Ҳайтовур навбаҳорчиларни қабул қилиш (3:1) мухлислар кўнглини кўтариш билан якунланди. Фарғонада эса худди шу ҳисобда «Нефтчи»га бой берилди. Хоразмда бир тўп ҳисобида ютқазилиши эса кўпчиликни ранжитди, дейиш мумкин. Мана шундай қайфиятсиз, ўзига хос руҳсиз ўйинлар оқибатида «Металлург» билан Тошкентда ўтказилган учрашув 2:2 дан нари ўтмади. Ниҳоят куни-кеча «Сўғдиёна» майдонида енгилиш 3:2. Кўриниб турибдики, «Пахтакор» учрашувларида беқарорлик кўзга ташланади. Шунинг учун бўлса керак, қарийб 60 минг томошабинга мўлжалланган «Пахтакор» ўйинлари учрашув чоғлари деярли бўм-бўш. Ашаддий мухлисларгина келишмоқда. Шуни унутмаслик керакки, чемпионатнинг биринчи давраси якунланишига оз қолаяпти. «Пахтакор» ўзини ўнглаб ҳужумкорликка зўр бермаса, хавфли ҳолатга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. «Пахтакор»га катта умид боғлаган минглаб ишқибозлар эса бу йил биринчи марта уюштириладиган суперкубок учун курашда «Навбаҳор» билан учрашувни кўтарингки руҳда бўлишини кутишмоқда.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Ҳамро Саид» хусусий фирмаси муҳрлари йўқолганлиги сабабли ўз фаолиятини ТЎХТАТАДИ

«Жўғрофий» ўйланма

Ёйлар бўйича шакл маркази томон:

1. Ҳинд океанининг Бенгалия қўлтиғи билан туташ жойлашган давлат пойтахти (2) 2. Жанубий Америкадаги Республика (3) 3. Ўрта Осиёдаги мустақил Республика пойтахти (5) 4. Шимолий ярим шарнинг асосан игнабаргли дарахтлар билан қопланган ўрмон ҳудуди (3) 5. Атлантика океани таркибидаги денгиз . 6. Америкадан Беринг бўғози орқали ажралиб турувчи ярим орол. 7. Каспий денгизи соҳилидаги Озарбойжон Республикаси таркибидаги шаҳар. 8. Туркиянинг шимоли-ғарбидаги маъмурий марказ ҳисобланувчи шаҳар. 9. Ўрта Осиёдаги пасттекислик. 10 Италиянинг шимолий қисмидаги тарихий шаҳар. 11. Ғарбий ярим шарнинг марказий ҳудудидаги давлат. 12. Ер юзида аҳолиси энг кўп мамлакат пойтахти. 13. Асосан Россиянинг Архангелск вилоятида яшовчи халқ. 14. Ғарбий Африканинг Атлантика океани соҳилидаги давлат (5). 15. Ўрта ер денгизидаги энг катта орол. 16. Болтиқ денгизига қуйилувчи дарё. 17. Тошкент вилоятидан оқиб ўтувчи дарё. 18. Ганг дарёси бўйича жойлашган шаҳарлардан бири (1) . 19. Охота ва Япон денгизлари оралиғида, Осиёнинг шарқий қирғоқларидаги орол. 20. Марказий Африкадаги давлат. 21. Ҳинди-хитой ярим оролидаги давлат пойтахти. 22. Марказий Америкадаги, кўлга номдош пойтахт шаҳар (3). 23.Пойтахти Работ шаҳари бўлган Африка шимолидаги мамлакат. 24. Африкадаги дарёга номдош Республика. 25. Ўрта ер денгизнинг шарқий соҳилидаги давлат (2). 26 XVI аср ўрталарида испанлар асос солган номи ҳинду қабилаларидан бирига мансуб, Америка жанубидаги пойтахт. 27. Япон ва Охота денгизларини бирлаштириб турувчи француз денгизчи сайёҳи номи билан аталувчи бўғоз. 28. Нигерия пойтахти. 29. Қирғизистондаги водийга номдош дарё ва шаҳар. 30. Атлантика океанига туташ, жанубий Америкадаги ҳудуди кичик давлат. 31. Мамлакатимиз жанубидаги нефт-газ кони (2). 32. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги мамлакат пойтахти. 33. Шимолий Африкадаги Араб Республикаси. 34. Хитойнинг шарқи-жанубидаги ҳудуд. 35. Шарқий Олманиядаги шаҳар, округ маркази. 36. Мусулмон оламининг Саудия Арабистонидаги шаҳри.

Муаммонома: Ўйланма жавоблари асосида шаклнинг айланаларидаги рақамларни таъриф сўзлари ёрдамида сўнг кавс ичида берилган тартибдаги ҳарф билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Уни соат мили йўналишида ўқилса Ер куррасининг нусхасини биринчи бўлиб ихтиро қилган қомусий аллома бўлган ватандошимиз номи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Б» ҳарфли ўйланманинг жавоблари

Диагонал бўйича: 1. Бўрон. 2. Бўғот. 3. Бордо. 4. Бобожонов. 5. Басра. 6. Барда. 7. Бўзтўрғай. 8. Бўйра. 9. Барот. 10. Болта. 11. Бодом. 12. Баҳри. 13. Бошоқ. 14. Бадал. 15. Босим. 16. Балет. 17. Битим. 18. «Бемор». 19 Билим. 20.Бобур. 21. Билагузук. 22. Буқаламун. 23. Банан. 24. Батон. 25. Банту. 26. Бухта. 27. Буток. 28. Бурун. 29. Булут. 30. Булоқ. 31. Баҳор. 32. Бозор.

«Б» ҳарфи бўйлаб «занжир» ҳолида: 33. Баобаб. 34. Бargизуб. 35. Боб. 36 Бобоиоб. 37. Байрамали.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Банорас. 2. Бомдод. 3. Босқон. 4. Бож. 5. Бир. 6. Бола. 7. Ватт.

Ҳикматлар: Ақл билан адаб жисм билан жон. Дўст жамоли дардни аритади.



Матбуотимизнинг юлдузларидан эди

Матбуотимизнинг ойдин юлдузларидан бири, ёшлик даврини, қалб қўрини газетачилик ишига бахшида этган атоқли журналист, машҳур қўшиқчи шоир Акмал Пўлат ҳаёт бўлганларида шу кунларда ўзининг 90 ёшини нишонлаган бўларди. Минг афсуски, шафқатсиз ўлим журналистикамиз ва адабиётимиз равнақи йўлида баракали меҳнат қилиб, ёрқин из қолдирган Акмал акани 70 ёшга тўлишига бир ой қолганда, юбилейга тайёргарлик кетаётган кунлари орамиздан олиб кетди. Матбуотимиз бўстонида бамисоли барча қирралари билан яққол кўзга ташланиб турадиган бу забардаст қалам соҳиби билан «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бирга ишлаш менга насиб этган.

Ўзбек миллий матбуотининг етакчиси ҳисобланган бу нуфузли газетада 1947 йили Акмал Пўлат муҳаррир ўринбосари, айни вақтда саноат, қурилиш ва транспорт бўлимининг мудири бўлиб ишлардилар. Иккинчи жаҳон уруши йиллари Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида фаол қатнашиб, катта ҳурмат-иззатга сазовор бўлган, элимизга машҳур бўлиб кетган «Меҳнат аҳли қўшиғи»ни ўша ерда яратган Акмал ака саноат, қурилиш ва транспорт соҳасини ҳам яхши билиб олган эди.

Акмал Пўлат журналистика соҳасига 17 ёшида кириб келди. Газеталарда ўзининг хабар ва мақолалари билан фаол қатнашиб турган қишлоқ мухбирини 1927 йили «Камбағал деҳқон» газетасига ишга таклиф этишди ва деҳқон ёшлари бўлимига мудир қилиб тайинлашди. У ўзининг дастлабки лавҳа, репортаж ва очерклари биланоқ ўқувчилар меҳрини қозонди. Икки йилдан сўнг ҳозирги «Туркистон» газетасига масъул котиблик вазифасига кўтарилди. Бу лавозимда кунни-тунга, тунни-кунга улаб, зўр ғайрат ва илҳом, шижоат билан меҳнат қилди, чарчаш нималигини билмади, газетачиликнинг бутун икир-чикирини, сир-асрорини яхши билиб олишга ҳаракат қилди. 1932 йилнинг март ойларида эса 23 ёшида шу газетага муҳаррир этиб тайинланди.

Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Абдулла Лутфуллаев,

Инсон хотираси азиз

Фаттоҳ Гаврилов, Шоира Ўтаева, Башоратхон Гулмуҳамедова каби матбуотимиз фидойиларининг газетачиликнинг катта равон йўлига чиқиб олишида Акмал Пўлат устозлик қилди. Журналистикамизнинг пешқадам намоёндаси, қадрдон дўстим, туғма газетачи Холбек Ёдгоров «Нурли йўл» китобида «Менинг ёшлар газетасига ишга келишим, аслини олганда, журналистика кўчасига киришим Акмал ака туфайлидир» деб ёзган эди.

Акмал Пўлат бу газетадан сўнг янгидан ташкил этилган «Ўқитувчилар газетаси»га (ҳозирги «Маърифат»), «Маданий инқилоб» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасига муҳаррирлик қилди. Сўнг Фарғона вилояти газетасида муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди.

Акмал Пўлатнинг ижодида сатира ва юмор, ҳажвий ҳикоялар, шеърлар, латифалар ва фельетонлар алоҳида ўрин тутади. «Тил бошқа-ю, дил

бошқа», «Хизматга туҳмат», «Узун тил», «Туҳмат ва Илон», «Фитна ўлдирди», «Жон талвасаси», «Қора юраклар», «Эрк ва муҳаббат ўғрилари» сингари шеър ва фельетонлари шулар жумласидандир.

Акмал ака «Муштум» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган 1955-1961 йиллари журналнинг деярли ҳар бир сонида унинг ҳажвий асарлари чиқиб турарди. Бошқаларга ўрнак бўлиб, ўзи айтган сўзларга амал қилиб турмушимизда учраб турадиган баъзи иллатларни масал, «ҳазил қўшиқлари», фельетонлари ва ўткир танқидий мақолалари билан фош этарди. Шу даврда «Муштум» кутубхонаси» сериясини ташкил этиб, қатор рисолалар чиқартирди. «Қилпиллама», «Такасалтанг», «Севмаганга суйканма» тўпламлари бунинг ёрқин далилидир.

Акмал ака 1963 йили янгидан ташкил этилган Сирдарё вилоят газетаси «Сирдарё ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири бўлган. Республика газета ва журналларида, ўзи муҳаррирлик қилган «Сирдарё ҳақиқати» газетасида турли даврларда босилиб чиққан «Завқли кунлар», «Зафар нишони», «Сув ва нур», «Яйлов тонги», «Хазина билан гавҳар», «Гулзор Гулистонга келинг», «Сув ва қўриқ ҳақида қўшиқ» каби очерк, ҳикоя ва мақолалари ҳақиқатан ҳам Акмал акани қўриқ ернинг заҳматкаш қаламкашига айлантирди.

Ажойиб журналист, моҳир раҳбар, дилбар шоир Акмал Пўлатнинг нурли хотираси уни билганлар, ундан ўрганган шогирдлари, дўстлари қалбида абадий сақланади.

Зиёд ЕСЕНБОЕВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 20 may, payshanba • № 59 (24.454).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЮНЕСКОнинг 1999 йил тадбирлари режасида мавжудлигини инобатга олиб ҳамда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган тарихий қарор асосида «Алпомиш» достонининг катта тўйини ўтказишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, қарорда «Алпомиш» кўп серияли бадиий фильми ва болалар учун мультипликацион фильмлар туркуми ҳамда атоқли халқ бахшилари ҳақида ҳужжатли-публицистик фильмлар яратиш белгиланган.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси, давлат хўжалик ҳисобидаги «Меъмор» киностудияси ҳамкорлигидаги ишлаб чиқариш лойиҳасига асосан, 20 қисмдан иборат «Алпомиш» телевизион бадиий фильмини суратга олиш бошланмоқда.

Киносценарий муаллифлари — шоир Муҳаммадали Қўшмоқбой ва фольклоршунос Шомирза Турдимов, бадиий раҳбар ва режиссёр-постановкачилар — Баҳодир Йўлдошев билан Жамшид Обидовлар, оператор-постановкачи — Рифқат Иброҳимов.

Маълумки, юнон муаррихлари бизнинг ватанимиз ҳудудларидаги тарихни Миср тарихи билан тенг деб таъкидлайдилар. Бу-ку, билвосита манба маълумоти. Бевосита манба — халқимизнинг тарихий ва бадиий хотираси мужассамлари — миллий мифологиямиз, фольклоримиз тарихимизнинг ҳақиқатан ҳам қадимийлигини тасдиқлайди. Бежиз эмаски, мазкур фильм киносценарийси муаллифлари «Алпомиш» достонини бу боқий эпосни яратган она халқ билан эгиз деб биладилар, ғоят қадимий деб бадиий талқин этадилар. Алпомиш ота-онадан пайдо бўлгунча, аждодлари уни қонида имондай ташиганликларини, ўз қаҳрамонликлари оловида пешлаганликларини ниҳоят, ўзбекнинг бу алпи неча-неча минг йиллик ижтимоий, маънавий фаолиятнинг гултожи, баркамол самари сифатида рўёбга чиққанлигини тасвирлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, атоқли фольклоршунос Тўра Мирзаев: «Мазкур киносценарийнинг кўлами, бадиий, психологик талқини эпосга, адабиётга, қолаверса, ўтмишга, тарихимизга янгича муносабати ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Жаҳон киночиларининг тажрибасини ўзлаштирган ҳолда, шу сценарий асосида фильм суратга олишга киришилса, халқимизга, қолаверса, келажак авлодларга муносиб туҳфа бўлган бўлар эди», — деб ёзади.

Албатта, келажак авлодларга муносиб туҳфа бўлиши кутилаётган кўп қисмли бадиий фильм халқимизнинг, давлатимизнинг, ҳомийларнинг доимий ёрдами, қўллаб-қувватлаши орқалигина амалга ошади.

Қуйида «Алпомиш» кўп қисмли телевизон бадиий фильми сценарийсидан парча эълон қилмоқдамиз.

Алпомиш

(Киносценарийдан парча)

Кўкдаланинг Асқартоғ билан туташган жойи. Ўрталиқда катта бахмал ўтов тикилган. Бахмал ўтовнинг икки ёнида йигирматадан оқ ўтовлар ўрнатилган. Ўтовлар жойлашган ернинг кунботар томонидаги кенг текис майдон ўртасига уч найза бўйи баландликдаги, қайроқдай силлиқланган устун ўрнатилган. Устуннинг йўғонлиги бир қучоқча келади. Устун бошдан-адоқ бир текис қилиб қуйруқ ёғи билан ишлов берилган — муздан ҳам сирпанчиқ бир ҳолга келган.

Устун ўрнатилган майдонда Жўломон хуржунини тагига тўшаб, чордона қуриб, ўтовларга қараб, ёлғиз ўтирибди.

Қуёш чиқади.

Жўломон оқ ўтовлардан йигитлар чиқиб, отларига минаётганини кузатади.

Йигитлар тўда-тўда бўлиб сафланишади. Ҳар сафнинг бошида туғчи, олдида ўтоғаси турибди.

Жўломон ҳам ўрнидан туриб, ўз усти-бошини тузатиб, бедовининг эгар-жабдуғини солиб, айил-пуштини тортиб, отига минади.

Бахмал ўтовдан уч киши чиқиб келади. Отлиқлар сафи сергакланиб, эгар устида қад ростлашади.

Мулозимлар тезлик билан учта от келтиришади. Аввал ўртадаги басавлат йигитга от рўпара қилинади. Сўнг икки ёндаги йигитларга от тутилади. Улар отларини миниб, қатор туришган отлиқлар сафига яқинлашишади.

Уч отлиқдан ўртадагиси (отлиқларга мурожаат қилиб):

— Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин!

Отлиқлар (бир овоздан такрорлашади):

— Ол-ол бўлсин, ол-ол
бўлсин, ол бўлсин!
— Ол-ол бўлсин, ол-ол
бўлсин, ол бўлсин!
— Ол-ол бўлсин, ол-ол
бўлсин, ол бўлсин!

Еру кўк ларзага келгандек бўлади. Жўломоннинг оти безовталаниб, ҳуркиб, орқага тисланади.

Жўломон (отига жаҳл билан қамчи уриб, жиловидан тортар экан):

— Йигитнинг отиям тисланадими? Нега тисланасан?

От кўзлари ола-кула бўлиб, чакки-чукки оёқ ташлаб, илгарилайди. Жўломон жиловни тортиб, уни юришга қўймайди. Тўхтатди. Саф қаршисидаги уч отлиқнинг ўнг томонда тургани ўртадаги йигитга мурожаат қилади.

— Бек Алпомиш, рухсат берсангиз. Ўтоғалар рўйхатларни беришсин.

Алпомиш:

— Мен — Алпомиш,
назаркарда эр ўзим,
От чопса, гумбирлар
тошнинг дараси,
Майдонда билинар
марднинг сараси.
Мени билсанг,
Бойсун — Қўнғирот тўраси.
Бошимда яркиллар
зардан жиғаси,
Ёз бўлса, яйловим — Аму ёқаси
Оқ кировка, олтин
совут кияман,
Бор кучимни
билагимга жияман.
Тикилсам, қурийди
дарёнинг гуми,
Наъра тортсам,
қулар қўрғоннинг тими.
Бойсун — Қўнғиротда
Алпомиш сўзим.
Ё эр бўл, ё эрнинг
хизматида бўл.
Тартиб билан,
ҳунарнинг иззатида бўл.

Бу кун ҳунарни тартиб билан кўрсатиб, эрликни намоён қиладиган кун. (Ўнг ёнида турган йигитга қараб) Бектемир ботир, (чап томонидаги йигитга ўгирилиб) Тоғай ботир, ҳамнафас бўлиб бошланглар.

Бектемир ботир отини уч-тўрт қадам олдинлатиб, қўли билан ўтоғаларга ишора қилади.

Тоғай ботир ҳам айни ҳаракатни такрорлайди.

Икки томондан ўтоғалар навбат билан отда келиб, яқинлаб, отдан тушиб аввал Бек Алпомишга, сўнг ўз сардорига таъзим қилиб, йигитлари рўйхатини бир-бир топшириб, яна жойларига бориб туришади.

Алпомиш (атрофга назар ташлаб, узоқда, майдонда, устун тагида турган Жўломонга ишора қилиб сўрайди):

— Одам ёввойидай бўлиб турган ким?

Бектемир ботир савол назари билан Тоғай ботирга қарайди. Тоғай ботир ўтоғаларнинг бирига: «Кел!» — ишорасини қилади.

Ўтоға етиб келади.

Тоғай ботир (Жўломонни кўрсатиб):

— Анови ким?

Ўтоға:

— Шокамонлардан экан. «Беллашаман. Эр Алпомишнинг хизматида бўламан», — деяпти. «Қўй, кет. Майиб-пайиб бўлиб қолма», — десак ҳам кўнмаяпти. Ўр баччағар экан.

Бектемир ботир билан Тоғай ботир амр кутиб, Алпомишга қарайдилар.

Алпомиш:

— Бунда келсин.

Ўтоға от чоптириб кетади. Жўломон яқинлаб, отидан тушиб, Алпомиш ва ботирларга таъзим қилади.

Алпомиш:

— Қайси уруғдансан, отинг, мақсудинг не?

Жўломон:

— Шокамонларданман. Отим — Жўломон. Қирқ йигитнинг бири бўлсам...

Тоғай ботир (кулиб, сафда турганларни кўрсатиб):

— Мана бу йигитлар тўрт-беш йилдан бери от чопиб, ёй отиб, бел олишиб, улоқ тортиб, чавгон ўйнаб, ултондай пишиб ётир. Ҳаммасининг муддаоси бегимизга йигит бўлиш. Аввал: «Шуларнинг сафига муносиб бўлай», — де.

Жўломон:

— Яратган бўлдирса, бўлаверади. (Бек Алпомишга қараб, қўлини кўксига қўйиб): Мен — тайёр, синаб кўринг.

Алпомиш:

— Синаб, сени қийнаб юрмайлик.

Жўломон:

— Мен — рози, синаб кўринг.

Алпомиш (Бектемир ботир билан Тоғай ботирга изн бериб):

— Синаб кўринглар, сазаси ўлмасин.

Бектемир ботир (Жўломонга бошдан оёқ синчиклаб қараб, йиғилиб турган йигитларга баланд овозда буюради):

— Ҳамма — майдонга. Жойжойингга ўринлащ. От — торт.

Ўтоғалар йигитларни устун кўмилган майдонга олиб бориб, доимий жойларига саф қилишади. Алпомиш, Бектемир ботир, Тоғай ботир ҳам майдонга етишиб, сафнинг қарама-қарши томонида туришади. Ўртага аввалдан тайин этилган баковул чиқади. Баковул аввал Алпомишга, сўнг Бектемир ботир, Тоғай ботирга таъзим қилиб, устун ёнига келиб, унга бармоғини босиб, текшириб кўради. Сўнг унинг ишоратини кутиб турган тўрт махрамни ёнига чақиради. Улар қўлларида ёғ солинган қадаҳ, бошқа керакли нарсаларни олиб, ёнига келади.

БАКОВУЛ:

— Устунни қайта ёғланг

Мулозимлар узун нарвонлар ёрдамида устунни ёғлашга киришадилар.

БАКОВУЛ (Алпомиш, Бектемир ботир, Тоғай ботир турган жойга келиб, таъзим билан Алпомишга мурожаат қилади):

— Амр қилинг, ҳамма нарса тахт.

Алпомиш Бектемир ботирга: «рухсат» ишорасини қилади.

БЕКТЕМИР БОТИР (баланд овозда, ҳаммага эшиттириб):

— Сиз билан беллашиб, Шокамондан келган Жўломон ўз ҳунарини кўрсатади. (Жўломон мулозимлар ёнида отининг жиловидан тутиб турган йигит икки қадам олдинга чиқиб тўхтайди. Узоқдан таъзим қилади). Мана бу устун учига чиқиб, ёйингдан ўқ узиб, (устундан бир чақиримча жойда баланд ёғоч устига илиб қўйилган олтин қобиқни кўрсатиб) шу олтин қобиқни урсанг — синовдан ўтганинг. Ўтмасанг, жазоси бор.

ЖЎЛОМОН (қатъий):

— Мен рози.

БЕКТЕМИР БОТИР (баковулга мурожаат қилиб):

— Бошланг!

БАКОВУЛ:

— Ечин.

Жўломон усти-бошларини ечиб, бир лунгида қолади. Махрамлар унинг бутун бадани, қўл- оёқларига, кафтлари, оёқларининг остларига ёғ суртиб чиқишади. Ҳаммаларнинг кўзи Жўломонда.

Жўломон елкасига ёйини осиб, бир ўқни тишида тишлаб, аста-аста, оёғининг учида қадам босиб — оёғи остини ерга тегизмаган ҳолда юриб, устун олдига келиб, бир оз тин олиб туради.

Бутун атроф сув қуйгандек — жим-жит. Жўломон икки қўлининг кафтини устунга уради — кафтлари устунга чирс ёпишгандай бўлади. Кафтини шундай босган эдики, кафти билан устун орасида ҳаво қолмай — бирикиб қолгандай эди. Кейин у оёғини ҳам устунга чиппа ёпишадиган қилиб уради. Энди, ана шу тарзда, шошилмай юқорилай бошлайди. Жўломон устуннинг ярмидан юқорилайди... Устуннинг учигача уч тирсакча масофа қолади. Жўломон иягини устунга тешадек қадаб, тин олади. Тепага қарайди. Тер унинг ёғланган баданидан сизиб чиқиб, қуйилиб оқаяпти. Ўнг қўлини тутган жойидан секин олиб юқорироққа «чип» этказиб уриб, чап қўлини ҳам баландга олди. Оғирлигини қўлларига ташлаб, оёқларини битта-битта устундан ажратиб, баландлаб, яна юқориламоқчи эди, бирдан чап қўли сирпаниб кетади. Мувозанати бузилиб, пастга қараб шувиллаб тушиб кета бошлади.

Жўломон бутун кучини йиғиб, келган жойида тўхташга уринди. Тўхтади ҳам. Тишлаб олган ўқи зўр келганидан чўрт узилиб тушди. Тепага — Жўломонга ниғоҳи михлангандай қараб турган баковул. «Эҳ...» — деб юборди.

Жўломон бирпас йиғиниб турди. Билак ва болдирининг пайларининг таранг тортилиб, худди бешиктебратардек тебраниб, тағин кўтарила бошлади. Устуннинг учига ўнг қўли етганида, тирноқлари орасидан қон сизиб оқарди.

Жўломон ўнг қўлига кучини бериб, бутун гавдасини устун тепасиги олади. Қаддини ростлаб, тик туради. Алпомишга, ботирларга қараб таъзим қилади.

АЛПОМИШ (Бектемир ботирга):

— Ғужури бор экан. Ўқ беринг.

Бектемир ботир эгари қошидан ёйини олиб, ўқлаб, устунни кўзлаб отди. Ёй ўқи устуннинг учига — Жўломоннинг ўнг оёғининг пастига келиб қадалди.

Жўломон устундан ўқни суғуриб, елкасидан камонини олиб, узоқда бир чақиримча жойда, қуёш нурида йилт-йилт этиб турган олтин қобиқни мўлжаллаб ўқ узди.

Ўқ бориб олтин қобиққа тегиб, уни юлиб тушди.

Саф тортиб турган йигитлар буни кўриб, гуриллаб олқишлашди:

— Ҳалол! Ҳалол! Ҳалол!

БЕКТЕМИР БОТИР:

— Ўзи кўнгилли бўлиб, шунчалик тайёрланибди. Қандини урсин!

Жўломон ёйини елкасига осиб, устундан сирғалиб тушиб, баковул билан бирга Алпомиш турган жойга яқин келиб, таъзим бажо қилиб турди.

АЛПОМИШ (сафланиб турган йигитларга қараб):

— Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин.
ол бўлсин!

Бутун сафланиб турган йигитлар (жўр бўлиб):

— Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин.
ол бўлсин!
— Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин.
ол бўлсин!
— Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин.
ол бўлсин!

АЛПОМИШ:

— Бектемир ботир, бу йигитни сиз ўз тўпингизга олинг.

От, қурол, кийим, озиқ, маош, иккита махрам тайин этинг. Хизматда ўзини кўрсатса, мартабаси яна ортади.

ЖЎЛОМОН (таъзим қилиб):

— Қуллуқ.

Шу пайт Бойсун — Қўнғирот томондан от чоптириб келаётган суворийлар қораси кўзга чалинади. улар тобора яқинлашиб, майдонга етиб келади. Отлиқ сафлар олдига эмас, Алпомишнинг ўтови ёнига бориб тўхтайдилар. Улар ичидан бир махрам ажралиб чиқиб, Алпомиш турган жойга яқин келиб, таъзим қилади.

АЛПОМИШ:

— Тинчликми, Ўрда махрам?!

ЎРДА МАҲРАМ:

— Қалдирғоч ойим ҳузурингизга келдилар.

АЛПОМИШ (Тоғай ботирга):

— Тоғай ботир, сиз кўрикни давом эттиринг. (Бектемир ботирга қараб.) Сиз менга ҳамроҳ бўлинг.

Тоғай ботир машқни давом эттиради.

Алпомиш билан Бектемир ботир ўтовга қараб от бошини буришади.

Алпомишнинг бахмал ўтови ёнида Алпомиш, Бектемир ботир, Қалдирғоч ойим бирга сўзлашиб туришибди.

БЕКТЕМИР ботир:

— Бек Алпомиш, мен унда борай. Кўрикдан бохабар бўлай.

Бектемир ботир отланиб, кўрик томон кетади.

Алпомиш билан Қалдирғоч ойим ўтовга кирадилар. Ўтирадилар. Қалдирғоч ойим Алпомишга Ойбарчиннинг хатини узатади. Алпомиш хатни ўқий бошлайди...

Экранда Бойтерак, Ойбарчин, зиёратга келган саҳна қайта намоён бўлади.

Йиғилганлар икки томонга ажралиб, Ойбарчинга йўл беришади. Уларнинг ҳар бири Ойбарчинни кўраётганида кўзлари қувонади. Олқишлар айтади. Ойбарчиннинг ўнг ва чап томонига икки қайвони келади. Унинг изидан эргашиб, кўп қизлар боришади. («Жўнади ойим, жўнади» куйи ва қўшиғи дўмбира жўрлигида янграб турадди). Ойбарчин Бойтерак тарафга қадам ташлай бошлаганида, унинг юз-кўзларидан, бутун туриш-турмушидан бир нур таралиб, атрофга ёйилади. Ундан икки уч-қадам олдинда, қуёшга ўхшаш катта гардиш ҳосил бўлади.

Бутун жону жаҳони кўз бўлиб, кузатиб турган Ойтуғмиш Ойбарчиннинг тепасида ярқираб турган ойнани — Тўлғонойнинг кўзгусини кўради.

ОЙТУҒМИШ (беихтиёр):

— Катта энамнинг кўзгуси...

БОЙСАРИБИЙ (ҳайрон бўлиб):

— Катта энанг...

ОЙТУҒМИШ ОЙИМ:

— Ойбарчинга буюрибди... Минг қатла шукр.

Гардиш катта супа ҳажмида кенгайиб, аста юзиб бориб, маросимни томоша қилиб ўтирган Тойчихон, аъёнлари, тўқсон алпни қамраб, уларни тўрғай учадиган бир баландликка кўтариб олиб чиқади. Тойчихон, аъёнлар, тўқсон алп ҳам Ойбарчиннинг ҳусни малоҳатидан маст бўлиб, ақлидан адашгани аниқ сезилиб туради.

Сўнг, уларнинг бари бирданига кўздан ғойиб бўлишади.

Экранда фақат Ойбарчин ва унинг ҳамроҳлари қолишади. Ойбарчин Бойтерак ҳайкалига яқин келиб тўхтайди. Кўзларини юмиб, қўлларини аста кўкка кўтариб, илтижо қилади.

ОЙБАРЧИН:

— Эй Яратган эгам!
Оламга Бойтеракни берган,
Бойтеракдан Киши билан Тишини таратган,
Сут қўлини ато этган эгам.
Ўзингга сиғиниб келдим
Ўзинг ярлақа.
Ярлақагайсан — гумоним йўқ,
Ҳамма ниятларим,
Ҳожатларим ўзингга аён.
Ярлақа, Тангрим!..

Бир зум қуёш тутилгандай бўлади — қоронғулик босади.

ТУПРОҚ (овоз чиқаради):

— Ол-ол бўлсин,
ол-ол бўлсин, ол бўлсин!

Ойбарчин, ғафлатда қолма! Бойтерак ҳузурингга чиқади.

Тангрининг ярлақаган дамидан айланай.

Бирдан шундай ёруғ тараладики, ҳамма беихтиёр кўзини юмади. Фақат Ойбарчин ўзини йўқотмайди. Меҳр-муҳаббат билан боқиб туради. Қуёшдан узилгандай бўлиб, бор ҳашамати билан Бойтерак кўзга кўринади. Бойтерак тепасидаги какку, ўрта шоҳига қўниб турган икки бургут, тубига боғланган итлар — Азар билан Ҳазар, Сутликўл аниқ-тиниқ намоён бўлиб, аста ерга тушади. Ойбарчин бориб, Бойтеракни тавоф қилади. Сутликўл сувидан бир ҳовуч олиб ичади.

ОЙБАРЧИН (ҳозиргидек — улуғвор, нурли қиёфасида, сўзида давом этиб):

— Кечани мунаввар
қилар тўлин ой,
Савашли кун
тортилади парли ёй,
Кашалда талашда
қолди Барчиной,
Борсанг, салом
айтгил ўсган эллара,
Кўк даладай манзил
жойим, чўллара.

Олти ойлик йўлдан келдим, Кашал элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин...

Экранда хатни ўқиб бўлган Алпомиш, унинг ёнида Қалдирғоч ойим намоён бўлади.

АЛПОМИШ (хатни тиззасининг остига босиб қўяр экан):

— Олти ойлик йўлда бўлса, Кашалнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб, сандираб ўламизми?

ҚАЛДИРҒОЧ ОЙИМ?

— Ака, савашли кун парли ёй тортилади. Кечани тўлган ой ёруғ қилади. Ойбарчин Кашалда — талашда қолибди. Мард йигитнинг ёри талаш бўладими?! Бек Алпомишнинг кўзи тирик туриб, ёрини душман оладими? Ака, айтган сўзимни оғир олмангу, нар-моданинг ишини тутманг.

АЛПОМИШ:

— Қалдирғоч, синглим, ақлингни едингми. Менга нар-модани ишини тутманг, деб айтасан. Акангни жуда ҳам номард билмагин. Нар-мода деб, сандирама.

ҚАЛДИРҒОЧ ОЙИМ:

— Эй ака, нар-модалар сендан кам бўладими? Марднинг ёри тойталашда қоладими? Мард бўлиб, майдонли кунда юрмасанг, той-талашда қолган ёрингни олмасанг, эл-юрт ичида қандоқ ҳам бош кўтариб юрасан?! Кашалнинг тўқсон алпи кўп таадди қилибди. Жонидан зулм ўтганидан кейин Ойбарчин хабар юборибди. Сендан бормоқ лозим. Бормасанг, ҳеч иложи йўқ.

АЛПОМИШ:

— Олтойлик йўл бўлса, бунинг тўрт ойи ўтган бўлса, қанот чиқариб, учиб борамизми эса...

ҚАЛДИРҒОЧ ОЙИМ:

— Тўқсон тўқай йилкинг бўлса... Орасида тулпори ҳам йўқ эмас, бордир. Йилқига, Қултойнинг қошига борсанг, кўнглингга ёққанини миниб кета берасан-да.

АЛПОМИШ:

— Хайр эса.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚБОЙ,
Шомирза ТУРДИМОВ.
***
Суратда: муаллифлар

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф БЕКМУРОДОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0353

Босишга топшириш вақти 21:00. Тонширилди — 2250
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА